


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 3 октябрь, № 191 (6374) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


ПАРЛАМЕНТ ЭШИТУВИ



## ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДАСТУРИ АМАЛДА

*30 сентябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг бажарилиши ҳақидаги маърузасини эшитдилар.

Мазкур парламент эшитувидан аввал ушбу дастур ижросининг ҳолати Олий Мажлис қуйи палатаси депутатлари томонидан ўрганиб чиқилди.

Тадбирда Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва муассасалар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Кўрилаётган дастур Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида белгиланган вазифаларга мос ҳолда амалга оширилаётгани таъкидланди. Мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Ўзбекистонда иқтисодиёт соҳаларини босқичма-босқич ривожлантиришнинг мустаҳкам ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилди. Давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ва ижтимоий дастурлар барқарор юқори иқтисодий ўсиш суръатларини, ижтимоий сиёсат самарадорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Эшитув давомида 2015 йилда янги объектларни ишга тушириш, асосан, саноат, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, қайта жиҳозлаш ва улардан янада тўлароқ фойдаланиш, инфратузилма, коммуникация ва турар-жой қурилиши кўламини янада кенгайтириш, кичик бизнес, шу жумладан, якка тартибдаги ва оилавий тадбиркорликни, фермер ва деҳқон хўжаликларини жадал ривожлантириш, касаначилик турларини кўпайтириш, иши тўхтаб қолган корхоналар фаолиятини қайта тиклаш ҳисобига иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Тегишли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида жорий йилнинг январь — июнь ойларида 441,8 минг кишининг бандлиги таъминланди. Иш ўринларининг 62,2 фоизи қишлоқ жойларда ташкил қилинди. Ишга жойлаштирилганларнинг катта қисми Самарқанд, Фарғона, Тошкент, Қашқадарё, Бухоро, Андижон вилоятлари ва Тошкент шаҳрига тўғри келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ жорий этилган имтиёзлар туфайли якка тартибдаги тадбиркорлик соҳасида банд бўлганлар сони сезиларли даражада ошди.

(Давоми 2-бетда).

# ИЛҒОР ЛОЙИҲАЛАР, ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

### саноат корхоналарининг рақобатдошлигини таъминламоқда

*Саноат тармоқлари ривожида илғор технологияларнинг аҳамияти беқиёс. Шу боис кейинги йилларда ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилишда инновацион ишланмалардан кенг фойдаланилиб, маҳсулот турларини кўпайтириш ва рақобатбардошлигини оширишга эришилаётир. Бу борада Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли корхоналарда ҳаётга татбиқ қилинаётган чора-тадбирлар ҳам алоҳида эътиборга лойиқ.*

МОДЕРНИЗАЦИЯ



— Жорий йилда инновацион ишланмаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 19 та лойиҳа амалиётга жорий этилаяпти, — дейди Навоий кон-металлургия комбинати Марказий кон бошқармаси бош муҳандисининг инновацион технологиялар бўйича ўринбосари Ўткир Тайлоқов. — Умумий қиймати 11 миллиард сўмлик мазкур лойиҳалар келгусида ўз натижасини бериши, шубҳасиз. Умуман, бизда ушбу йўналишдаги ишларга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Масалан, 2011 йили баландлиги 270 метр, эни икки метр бўлган ноёб тик нишабли конвейер ҳамда осма йўл ишга туширилди. Тўрт йил давомида олиб борилган модернизациялаш тадбирлари боис ушбу ноёб технологик ускунанинг умумий узунлиги уч километрдан оширилди. Айни пайтда унинг ёрдамида бир кеча-кундузда 13 минг куб метрдан зиёд тоғ жинсларини белгиланган манзилга етказиб бераяпмиз. Тўртта майдалаш-юк ташиш пункти, иккита одимловчи ағдарма ҳосил қилгич, кўчма конвейерлар ва шағал тош йиғувчи юклагичлардан иборат қурилмамизнинг яна бир қулай жиҳати шундаки, у транспорт харажатларини кескин қисқартириш имконини бермоқда. Аниқроғи, экскаваторларнинг иш унумдорлиги ошиб, ҳар бир транспортда юк ташиш 3,5 километр камайди.

Дарҳақиқат, бугун Марказий кон бошқармасига қарашли "Мурунтов" ва "Тошқўра" конларида қазиш ишлари жадал давом эттирилмоқда. Бунинг учун 300 дан ортиқ йирик техника воситалари, шу жумладан, 80 тоннадан 220 тоннагача юкни кўтара оладиган йирик транспорт воситалари хизматидан фойдаланилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Замонавий Ўзбекистон «UGnews» газетаси саҳифаларида

Яқинда Индонезияда нашр этиладиган "UGnews" газетасида Ўзбекистонга бағишланган туркум мақолалар эълон қилинди.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Улардан бирида мамлакатимизда аёлларнинг роли ва мақомини ошириш, ҳуқуқ ҳамда манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий фаоллигини кучайтириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар атрофлича қаламга олинган.

Нашрда хабар қилинганидек, республикада хотин-қизларга нисбатан давлат сиёсатини янада ривожлантириш ҳамда уларнинг ҳуқуқларини институционал муҳофаза этиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонунчилик базаси шакллантирилган. Мақолада, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси БМТнинг Хотин-қизлар камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси, Халқаро меҳнат ташкилотининг Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги ва Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситиш тўғрисидаги конвенцияларини ратификация қилгани алоҳида таъкидланган.

Бундан ташқари, унда мамлакатимизда 2014 йилнинг декабрь ойида ўтказилган сайлов якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига 24 нафар хотин-қиз депутат этиб сайлангани, бу эса жами депутатлар корпусининг 16 фоизини ташкил қилиши қайд этилган. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида хотин-қизлар 17 фоизни ташкил қилади. Бу нафақат уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳамда социал фаоллиги юксалиб бораётганидан, балки аёлларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларида қатнашиши қонуний кафолатланганидан ҳам далолат беради", дея ёзилади "UGnews"да.

Мазкур нашрда эълон қилинган яна бир мақола индонезиялик ўқувчиларни мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, мулкдорлар ҳуқуқ ҳамда манфаатлари ҳимоясини кучайтириш соҳасида эришилган муваффақиятлар билан таништирган.

(Давоми 2-бетда).

ДИЛ СЎЗИ

*Президентимиз жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида Наманган ҳамда Фарғона вилоятларига ташрифини бизнинг фермер хўжалигимиз фаолиятини кўздан кечиришдан бошлагани қалбимизни чексиз қувончга тўлдирди.*

## Ютуқларимизнинг бош омили

Зеро, бугунги кунда ушбу соҳада эришилаётган муваффақиятларнинг бош омили аграр секторнинг етакчи кучига айланган фермер хўжаликларига кўрсатилаётган юксак эътибор, ер эгалари давлат миқёсида доимий қўллаб-қувватланаётганида, деб биламан. Айниқса, уруғлик, ёнилғи-мойлаш материаллари ва ўғит таъминоти, замонавий техника воситаларини сотиб олиш борасида йўлга қўйилган самарали механизм қишлоқ мулкдорининг кўпроқ деҳқончилик, пахта ва ғалла парвариши билан шуғулланиши учун имконият яратиб берганини алоҳида таъкидлашни истардим. Бу эса, ўз навбатида, тупроқ унумдорлигини ошириш, баракали ҳосил етиштиришга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Масалан, ўн беш йил аввал 17 гектар ерни тасарруфимизга олиб, иш бошлаган эдик. Ҳозирги пайтга келиб экинзорларимиз 97 гектарга етди. Пахта ва ғалла ҳосилдорлиги йил сайин ошиб бораётир. Фаолиятимиз барқарор ривожланиб, қишлоқдаги ислоҳотлар қатнашчисига айландик. Дастлабки даврда ҳар гектар ердан, борйўғи, 27 центнердан ҳосил олганимизни яхши эслайман. Ўшанда бирмунча шўр босган, тўйиб сув ичмаган далаларнинг ҳолатини кўриб, ернинг қуввати шунга етар экан-да, дея ўйлагандим. Йўқ, ундай бўлмади. Экинзорларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, иқлим, ер шароитига мос уруғликни танлаш йўлидаги амалий чора-тадбирларимиз ўз натижасини берди. Натижада ҳосилдорлик 8-10 центнер кўпайди. Жорий йилда эса далаларимизга "Порлоқ-2" навли чигит экдик. Касалликларга чидамли ушбу ғўза нави кутганимиздек ҳосил тўплади. Биринчи теримнинг ўзидаёқ 35 центнердан пахта йиғиб олдик. Ҳосилнинг қолган қисмини нест-нобуд қилмай териб олсак, ушбу кўрсаткич 40 центнердан ошиб кетади. Ғалла мавсумини эса гектаридан 65 центнердан дон йиғиб олиш билан якунладик. Моддий манфаатдорлик ҳам шунга яраша бўлди.

Қўшимча тармоқ — қўшимча даромад, дегани. Шу боис жорий йилнинг баҳорида ишлаб чиқариш тармоғимизни янада кенгайтирдик. 7 гектар ерда сунъий сув ҳавзаси ташкил қилиб, балиқчиликни ҳам йўлга қўйдик. Дастлабки мавсумдаёқ 20 тоннага яқин "луқмаи ҳалол" етиштиришни мўлжаллаб турибмиз.

(Давоми 2-бетда).

КОНФЕРЕНЦИЯ

*Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ҳамда мазкур соҳа вакиллари фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси изчил иқтисодий ўсиш суръатларида яққол намоён бўлмоқда.*

## Иқтисодиётнинг муҳим сектори

### ишбилармонларга яратиб берилаётган имтиёз ва кенг имкониятлар асосида жадал ривожланаяпти

Ўз навбатида, ишбилармонларга берилаётган имтиёз ва енгилликлар хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда бу орқали юртдошларимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилаётир.

Қарши шаҳрида "2015 — 2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурини ҳаётга татбиқ этишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг роли ва масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида" мавзуида ўтказилган конференция-семинарда ана шундай ислоҳотлар мазмун-моҳияти ва самараси ҳақида сўз юритилди.

Анжуманда ҳуқуқни муҳофаза қилиш, назорат органлари раҳбар-ходимлари, банк, солиқ, божхона идоралари вакиллари, туман, шаҳар ҳокимлари ҳамда тадбиркор ва фермерлар қатнашди.

Тадбирда Президентимизнинг жорий йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросига доир устувор масалалар муҳокама қилинди.

(Давоми 3-бетда).

ФАХР

*Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг туб мазмун-моҳиятига кўра, эл-юрт ободлиги, ҳаётимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.*

## Инсон эъзоз топган юрт

Бунга ҳар бир соҳада ўсиш-ўзгариш ва янгиланишлар рўй бераётгани баробарида, соҳа ходимлари меҳнати қадрланиб, уларга юксак эътибор ҳамда эҳтиром кўрсатилаётгани мисолида яна бир бор амин бўлиш мумкин.

Бугун ўзим ҳам ана шундай ҳурматга муносиб кўрилганимдан ниҳоятда бахтиёрман. Яқинда Президентимизнинг "Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига биноан, "Шуҳрат" медалига сазовор бўлгандим.

Куни кеча давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига йўллаган табригини катта ҳаяжон билан кутиб олдик. Уни қайта-қайта ўқиб, касбимиз масъулияти ва шарафини яна бир бор чуқур ҳис этдик. Табрикдаги "...ўзининг кўз нури, қалб кўри, бутун борлиғини бағишлаб, барчамизга эзгуликдан сабоқ берган, отадек мўътабар, онадек меҳрибон сиз, азиз устозларнинг ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган машаққатли ва шарафли меҳнатингиз учун ҳар қанча таҳсин ва ташаккурлар айтсак, арзийди", деган сўзлар бизни тўлқинлантириб юборди.

Ўзим Гулистон туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабида ёшларга инглиз тилидан сабоқ бераман. Муболаға эмас, мактабимизнинг кўриниши ҳам, ундаги дарс жараёнлари ҳам, ёшларимизнинг кучли билим олишга иштиёқи ҳам барчанинг ҳавасини келтирадиган даражада.

(Давоми 2-бетда).

# ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДАСТУРИ АМАЛДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дастур доирасида аҳолининг иш билан таъминланмаган вакилларига бўш иш ўринлари ярмаркаларини ўтказиш орқали ишга жойлашишда кўмак кўрсатилди. Натижада туман ва шаҳар бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш марказларига мурожаат қилган 141 минг киши доимий ва вақтинчалик иш билан таъминланди, 15 минг кишига меҳнат ҳуқуқи ҳамда бандлик имкониятлари ҳақида маълумот ва маслаҳат берилди.

Тадбирда таъкидланганидек, Қонунчилик палатаси депутатлари дастурнинг амалга оширилишини ўрганиш жараёнида жойларда меҳнат бозорини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар билан танишдилар. Хусусан, ўрганиш жараёнида асосий эътибор дастур самарадорлигини янада ошириш, уни такомиллаштириш, фойдаланилмаган захира ва имкониятларни аниқлаш мақсадида мазкур соҳада ҳуқуқий амалиётнинг изчил татбиқ этилишига қаратилди.

Мажлис давомида депутатлар ушбу ислоҳот натижаларига таянган ҳолда дастур ижроси бўйича тақдим этилган ахборотни атрофлича таҳлил қилдилар. Муҳокама чоғида айрим минтақаларда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича фаолиятни кучайтириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан амалга оширилаётган 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бажарилишини мониторинг ва таҳлил қилишнинг амалдаги тизими такомиллаштиришни талаб қилади.

2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини амалга оширишга оид ахборотни муҳокама қилиш жараёнида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ўз фикрларини билдирдилар.

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси фракцияси аъзоларининг қайд этишича**, мамлакатимиз ҳукумати томонидан тижорат банклари ва корхоналар ҳамкорлигида иш ўринларининг ташкил этилиши, иш билан таъминланмаган аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигининг таъминланишини ҳисобга олиш ва мониторинг қилиш бўйича тизимли ишлар олиб борилди. Иқтисодиёт соҳаларини модернизация қилиш ва қайта жиҳозлаш тармоқ дастурларига кўра, 2015 йилнинг январь — июнь ойларида саноат соҳасида 32 мингта, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида 29 мингта, қишлоқ хўжалигида 23 мингта иш ўрни яратилди. 7 мингдан зиёд иш ўрни фаолияти тўхтаган корхоналар фаолиятини қайта тиклаш ҳисобидан ташкил этилди.

Кичик корхоналар ва фирмалар, фермер хўжаликлари учун ягона ижтимоий тўлов миқдорини 25 дан 15 фоизга камайтириш ҳисобидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, деҳқон ва фермер хўжаликлари, касаначиликнинг барча тури ривожлантирилиши натижасида қарийб 351 минг киши иш билан таъминланди.

Бундан ташқари, ЎзЛиДеП фракцияси ўрта синф вакиллари сафини кенгайтиришнинг ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига ёшларни кичик бизнес ва фермерлик фаолиятига кенг жалб этиш устидан мониторингни кучайтиришни ва унинг натижаларини вақти-вақти билан Қонунчилик палатасига тақдим этишни тавсия қилди.

**Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси вакиллари** ҳисобот даврида оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш ҳисобига 118 мингдан ортиқ иш ўрни яратилганини, бу партиянинг вазифа ва дастурий мақсадларига тўла жавоб беришини алоҳида таъкидладилар.

Шу билан бирга, фракция аъзолари олис қишлоқ ҳудудларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, айниқса, туризмни ривожлантириш ҳисобига аҳоли бандлигини таъминлашни кенгайтириш зарурлигига эътибор қаратдилар.

Фракция аъзолари миллий ҳунармандчиликнинг барча тури бўйича, сервис ва туризм соҳасида тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган иш билан таъминланмаган аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бу йўналишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа субъектлар ўртасидаги ижтимоий шерикликни янада кучайтириш муҳимлигини алоҳида қайд этдилар.

Фракция вакиллари, шунингдек, маҳаллий халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлашда камчиликларга йўл қўйилаётган масалаларни чуқур таҳлил ва муҳокама этиш ҳамда режалаштирилган натижаларга эришиш учун зарур чора-тадбирларни кўриш муҳимлигини алоҳида таъкидладилар.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари** ҳукумат томонидан касб-ҳунар коллежларининг 2014/2015 ўқув йили битирувчиларини иш билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган қўшимча чора-тадбирларни ижобий баҳолаш билан бирга, 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини амалга оширишнинг турли йўналишлари юзасидан бир қатор танқидий мулоҳазалар ҳам билдирдилар.

Депутатлар жойларда Дастурнинг амалга оширилишини кўриб чиқиш чоғида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш тўғрисида тақдим этилаётган маълумотлар ҳақиқатга қанчалик тўғри келишини танқидий ўрганиб чиқиш ва ушбу йўналишдаги ишлар самарадорлигини оширишни таклиф этдилар.

Бундан ташқари, корхоналар ва уйда маҳсулот ишлаб чиқараётган ва хизматлар кўрсатаётган фуқаролар ўртасидаги кооперацияни мувофиқлаштириш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича туман, шаҳар ишчи комиссиялари фаолиятини кучайтириш ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, касб-ҳунар коллежларида мутахассисларни тайёрлаш, иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури вазифаларига, шунингдек, меҳнат бозорининг реал талабларига мос келмаслигини мунтазам ўрганиб бориш ва таҳлил қилиш таклиф этилди.

Бандлик дастурининг мақсадли йўналишларини амалга оширишни сўзсиз таъминлаш юзасидан мувофиқлаштириш ишини ташкил этиш бўйича амалдаги доимий ҳудудий комиссияларнинг ҳуқуқий мақоми ва мақсадли вазифаларини аниқлаш мақсадида тегишли Низомни ишлаб чиқиш Вазирлар Маҳкамасига тавсия этилди.

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзолари** ахборотда акс эттирилган ишларни ҳамда 2015 йилда ҳудудлар ва йўналишлар бўйича ташкил этилган жами 261,6 минг иш ўрни ташкил этилганини ва 725,9 минг кишининг бандлиги таъминланганини, жами — 987,5 минг киши, шу жумладан, касб-ҳунар коллежларининг 487,7 минг битирувчисини иш билан таъминлаш юзасидан олиб борилган саъй-ҳаракатларни ижобий баҳоладилар. 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини амалга ошириш жараёни тўғрисидаги ахборотни мамлакат парламенти даражасида эшитиш муҳимлиги таъкидланди. Бу депутатлик корпусига унинг самарали амалга оширилиши борасида масъулият юклайди ҳамда ўз навбатида, аҳолини, айниқса, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш ва фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Бунда фракция аъзолари эътиборни қишлоқ жойларда иш ўринларини нафақат фермер ва деҳқон хўжаликлари, балки илғор технологиялардан фойдаланиш орқали кўп тармоқли фермер хўжаликлари негизида саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш ҳисобига яратиш зарурлигига қаратди. Бу эса барқарор иш ўринлари сони кўпайишига хизмат қилади. Уларнинг фикрича, меҳнат ва бандлик соҳасида давлат кафолатларининг қонунчилик базасини янада такомиллаштиришга, ходимлар ва иш берувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтиришга эътибор қаратиш зарур.

Муҳокама давомида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Дастур бажарилишининг бориши ҳақидаги ахборотни маълумот учун қабул қилди.

Парламент эшитуви якуни бўйича Дастурнинг ҳудудлар ва тармоқлар кесимида сўзсиз бажарилишини таъминлаш, бу йўналишда депутатлар корпуси ва ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамкорлигини янги босқичга кўтариш, кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантиришни рағбатлантириш ҳисобига иш ўринлари яратиш, келгуси йиллар учун мўлжалланган дастурларни ишлаб чиқиш механизмларини янада такомиллаштириш бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар берилди. Тегишли қарор қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси**
**Қонунчилик палатаси**
**Ахборот хизмати.**

# Замонавий Ўзбекистон «UGnews» газетаси саҳифаларида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

"Кейинги йилларда республикада хусусий мулк ҳимояси кафолатларини кучайтириш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, тадбиркорлик фаолиятини тартибга соладиган маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш жараёни давом этмоқда. Барча турдаги рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ҳамда лицензиялаш, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомиллар янада соддалаштирилмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг тадбиркорлик субъектлари моддий ва кредит ресурсларидан фойдаланиши кенгайтирилмоқдаки, бу уларнинг фаолияти ривожида муҳим аҳамият касб этади", дея ёзилади мақолада.

Қайд этилишича, кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилда 31 фоизни ташкил қилган бўлса, бугунги кунга келиб, бу кўрсаткич 56 фоизга етган. "Айни пайтда иш билан банд бўлган аҳолининг 77 фоиздан ортиғи ушбу соҳада меҳнат қилаётир. Энг муҳими, кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида ўрта мулкдорлар синфи шаклландики, улар миллий иқтисодиёт равнақига муносиб ҳисса қўшмоқда, минглаб янги иш ўринларини ташкил этишга кўмаклашмоқда", дея таъкидланади мақолада.

Шу билан бирга, нашрда Ўзбекистоннинг жорий йил май ойида Италияда иш бошлаган ва октябрга қадар давом этган "Expo Milano — 2015" Бутунжаҳон кўргазмасидаги иштироки ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган.

"UGnews" хабар қилганидек, ушбу йирик ҳамда нуфузли анжуманда юртимиз ўзининг миллий павильони билан қатнашди. Унда республиканинг мустақиллик йилларида эришган муваффақиятлари, иқтисодий ва сармоявий салоҳияти намойиш этилди.

Қолаверса, газета ўз ўқувчиларини мамлакатимизда фаолият юритаётган эркин индустриал-иқтисодий ҳамда махсус зоналардаги шароит ва қулайликлар, жозибали сармоявий муҳит, Ўзбекистоннинг ривожланган транспорт ҳамда логистика инфратузилмаси, юртимиз бой тарихи ва халқимизнинг маданий мероси ҳақидаги муҳим маълумотлар билан ҳам таништириб ўтган.

**«Жаҳон» АА.**
Жакарта

# Инсон эъзоз топган юрт

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Зеро, истиқлол йилларида таълим муассасамиз биноси тубдан реконструкция қилинди. Замонавий ўқув жиҳозлари ва техник воситалар билан таъминланди. Буни, масалан, инглиз тили бўйича бир эмас, тўртта фан хонаси мавжудлиги билан ҳам изоҳласа бўлади.

Юртбошимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни янги босқичга кўтариб, ёшларимизнинг интеллектуал салоҳиятини янада оширишда муҳим аҳамият касб этаяпти. Илм масканимиздаги инглиз тили хоналари компьютер, видеопроектор, телевизор, DVD плеер, монитор ва кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган. Бугун мактабимизда таҳсил олаётган 7-8 ёшдаги болажонлар хорижий тилларни қунт билан ўрганмоқда. Улар чет тилида эркин мулоқот қилиб, шеър, эртак ва ҳикоялар сўзлашаяпти. Ватан ҳақидаги ҳар қандай саволга инглиз тилида бемалол жавоб қайтара олишади.

Бундан ташқари, ўқувчиларимиз ҳар йили мамлакатимиз ва халқаро миқёсдаги фан олимпидаларида муваффақиятли қатнашиб келаяптилар. Шу йил мактабимиз ёшлари ҳам "Билимлар беллашуви" танловида совринли ўринларни қўлга киритганидан жуда қувондик.

Кўпинча ҳамқишлоқ дугоналарим "Ўртоқжон, дарслар чарчатиб қўймаяптими?" деб ҳол сўрашади. Уларга машғулот ўтишнинг завқи ўзгачалигини, буни сўз билан ифода қилиш қийинлигини айтаман. Ахир қадринг ва эъзозинг сарбаланд юртда ўз касбингни севишдан ҳам ортиқ бахт борми?!

Юртбошимизнинг биз, соҳа ходимларига йўллаган байрам табригида педагогларнинг кейинги фаолиятида дастуриламал бўладиган вазифалар ҳам юклатилгани алоҳида эътиборга молик. Хусусан, табрикдаги "Бизнинг асосий вазифамиз — ёш авлодга фақат билим беришдан иборат эмас, балки бугун дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисалардан тўғри хулоса чиқара оладиган, "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" деб, ўз ери, ўз юртига садоқат туйғуси билан яшайдиган, Ўзбекистон фуқароси деган шарафли номга ҳар томонлама муносиб бўлган инсонларни тарбиялаш — барчамизнинг муқаддас бурчимиздир," деган сўзлари бизни янада фаоллик кўрсатишга ундайди. Зеро, униб-ўсиб келаётган авлоднинг камоли биз, устозлар, ота-оналар ва умуман, бутун халқимиз учун энг улуғ мақсадлардан биридир.

**Зулайҳо ХОЛИҚУЛОВА,**
**Гулистон туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, «Шуҳрат» медали соҳиби.**

# Ютуқларимизнинг бош омили

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Булар — хўжалигимиз фаолияти билан боғлиқ гаплар. Масаланинг фермер сифатида элда обрў-эътибор топганим, рўзғоримиз бут, дастурхонимиз тўкин бўлаётгани, уй-жой шароитимиз яхшиланиши билан боғлиқ томонлари борки, бу турмушимизга файзу барака олиб кирмоқда. Ўзимизда ишлаб чиқарилган энг замонавий автомобилга эга бўлдик. Ўтган йили қишлоғимизда намунавий лойиҳа асосида барпо этилган уй-жойлардан бирини сотиб олдик. Тўрт хонали муҳташам иморатдаги қулайликлар худди шаҳардаги сингари. Фарзандларимиз билан роҳат-фароғатда яшаяпмиз.

Юртбошимиз бизнинг даламизда бир қатор қишлоқ мулкдорлари билан суҳбатлашиб, соҳани ривожлантириш, фақат пахта етиштириш билангина чекланиб қолмасдан, ҳосил сифатини янада яхшилаш, даромадни кўпайтириш масалалари билан жиддий шуғулланиш лозимлигини алоҳида таъкидладилар. Мулоқот чоғида билдирилган бошқа бир қатор фикр-мулоҳазалар фермерлик ҳаракатини янада кучайтиришнинг қўшимча омилларини белгилаб берди. Учрашувдан олган энг катта таассуротимиз биз, ер эгаларига билдирилган юксак ишонч бўлди. Бу эса, ўз навбатида, ҳар биримизни юрт тараққиёти йўлида янада фидойилик кўрсатиб меҳнат қилишга чорлайди.

**Ғуломжон ЮСУБЖОНОВ,**
**Мингбулоқ туманидаги «Барака» фермер хўжалиги раҳбари.**

# ИЛҒОР ЛОЙИҲАЛАР, ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

## саноат корхоналарининг рақобатдошлигини таъминламоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Эътироф этиш керакки, бир томонда Қизилқум саҳроси, иккинчи тарафда Нурота тоғ тизмалари ястаниб ётган воҳа — Навоий вилоятининг саноат салоҳияти ошиб бормоқда. Ҳудуддаги корхоналар томонидан олтин, уран, цемент, фосфорид, турли кимёвий ўғитлар, сунъий тола, қоракўл тери каби хом ашё ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган. Хусусан, қарийб 60 минг нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган Навоий кон-металлургия комбинати истиқлол йилларида залворли ривожланиш босқичларини босиб ўтди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган рангли ва қимматбаҳо металларнинг 73 фоизи мазкур воҳа ҳиссасига тўғри келаётгани фикримиз тасдиғидир.

Шунингдек, саноат тармоғини ривожлантиришга қаратилган ишлар натижасида тайёрланаётган маҳсулот турлари 300 дан ортди. Айниқса, рангли металлургия, кимё, қурилиш материаллари, енгил



ва озиқ-овқат саноатида жадал ўсиш кузатилмоқда. Мустақилликнинг дастлабки йилларида вилоятда атиги 110 та саноат корхонаси фаолият юритган бўлса, жорий йилга келиб уларнинг сони 1400 тадан ошгани ана шундан далолат беради.

Мухтасар айтганда, ҳозирги кунда навоийлик кончилар ўз меҳнати ва ғайрат-шижоати билан юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қилмоқда. Бунда тармоқда кенг қўлланилаётган илғор ишланмалар алоҳида аҳамият касб этаяпти.

**Азамат ЗАРИПОВ.**



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# ЎЗБЕК ОЛИМЛАРИ ГРИППГА ҚАРШИ ПРЕПАРАТ ЯРАТДИ

*Азалдан ўзбек мутафаккир ва алломалари жаҳон илму фани ривожига улкан ҳисса қўшган. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида фан-техникани изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

Ўзбекистон Фанлар академияси илмий муассасаларида илм-фан соҳасини ривожлантириш, илмий тадқиқотлар олиб бориш ва инновацион маҳсулотлар яратиш бўйича салмоқли ишлар қилинмоқда. ЎзФАнинг Биоорганик кимё институти мутахассислари томонидан ўткир вирусли касалликларга қарши "рутан" номли янги таблетка яратилиб, етакчи клиникаларда муваффақиятли синовдан ўтказилди.

— Грипп ўткир ва тез юқадиган касаллик бўлиб, уни жуда майда, кўзга кўринмайдиган, ҳатто фильтрдан ҳам ўтиб кетадиган вируслар келтириб чиқаради, — дейди Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Республика грипп миллий маркази раҳбари, тиббиёт фанлари доктори Равшан Раҳимов. — Вирусларнинг А, В, С турлари маълум. Бемор йўталганда, аксирганда, гаплашганда ҳавога кўплаб вирусларни ажратади. Улар ҳавода уч соатгача сақланиб туриши мумкин. Бундай ҳаводан нафас олган одамга грипп юқади. Микроб оғиз, бурун, томоқ ва юқори нафас йўллари шиллиқ пардасига таъсир қилади ва қон оқимига тушиб, бутун организмни заҳарлайди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, инсон организми вирусга қарши, аввало, интерферонлар ишлаб чиқиш орқали курашади. Аммо организмда кўпинча аксарият касалликларни енгиш учун ушбу модда етарлича бўлмайди. Бундай пайтда интерферон ишлаб чиқишни тезлаштириш ёки уни эндоген маҳсулот сифатида танага юбориш зарур. Интерферон туридаги препаратлар айнан ушбу мақсадларга қаратилган.

Ўзбек олимлари (Ш. Солиҳов, Н. Абдуллажонова, С. Мавлонов, А. Тўраев) яратган "рутан" препарати таъсирида организмда интерферонлар ҳосил бўлади ва улар вирусга қарши курашади. Мазкур таблетка олти ёшдан ошган болалар ва катталарга грипп ҳамда ўткир вирусли респиратор касалликларнинг олдини олиш, даволаш мақсадида тавсия этилади. Профилактика учун препаратни инфекция кенг тарқалган вақтда, хусусан, беморлар билан мулоқотдан сўнг қўллаш ҳам мумкин. Мазкур дори воситаси Тошкент тиббиёт академияси, Тошкентдаги 1-шаҳар шифохонасида синовдан муваффақиятли ўтказилгач, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бошқармаси томонидан амалиётда қўлланилиши учун рухсат берилди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Биоорганик кимё институти ходимлари сўнгги ўттиз йил мобайнида Россия Федерацияси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Вирусология институти, Республика патологоанатомия маркази ва бошқа илмий муассасалар олимлари билан ҳамкорликда вирусга қарши фаолликка эга дори воситаларини яратиш ва ишлаб чиқариш бўйича тадқиқотлар олиб борди.

Марказий Осиёда ўсадиган ғўза (госипол ва унинг ҳосили), тотум, ёронгул, анор, зубтурум каби ўсимликлардан ажратилган 100 дан ортиқ бирикмалар скрининги натижасида юқори даражада вирусга қарши фаолликка эга бирикмалар аниқланди.

Ушбу моддаларнинг аксарияти қатор янги дори воситалари, жумладан, "рутан", "гетасан" каби препаратларни ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилди. Мазкур дори воситалари клиник тажрибадан тўлиқ ўтказилиб, Ўзбекистон Республикаси патенти билан ҳимояланди ва мамлакатимиздаги фармацевтик корхоналар томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Беморларни медикаментоз даволаш амалиётида ушбу дорилардан кенг фойдаланилмоқда.

Дастлаб тотум ўсимлиги тери ошлаш экстрактларини олиш учун фойдаланиладиган хом ашё сифатида экила бошланган бўлса, кейинчалик тотум полифеноли кенг биологик фаоллиги аниқланди.

— Олимларимизнинг узоқ йиллик тажрибаси мамлакатимиз қир-адирларида ўсадиган тотум ўсимлиги вирусга қарши самарали восита эканини кўрсатди, — дейди Ўзбекистон Фанлар академияси Биоорганик кимё институти директори Аббосхон Тўраев. — Ушбу ўсимликни кўпайтириш ва маданийлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 24 апрелдаги қарорига асосан, Андижон вилоятининг Кўрғонтепа туманида сумах, яъни тотум ўсимлигини етиштиришга ихтисослашган махсус фермер хўжалиги ташкил этилиб, 500 гектар ерга синов учун мазкур ўсимлик экилди. Унинг баргларидан илк бор мамлакатимизда "рутан" номи билан гриппга қарши таблетка яратилди. Дори гриппнинг A-H3N2, H1N1 ва B(01), (03) группа штаммларига нисбатан самарали таъсирга эга. Бундан ташқари, унинг таркибидаги полифенол бирикмалар ниҳоятда кучли интерферон индуктори ҳисобланиб, организмдаги вирусларга қарши курашиш баробарида, иммунитетни ошириш хусусиятига ҳам эга. Энг муҳими, табиий ўтдан тайёрлангани учун дорининг организмга зарарли таъсири йўқ. Тиббиёт тилида айтганда, ҳеч қандай токсик хусусияти йўқ, кулумятив таъсир кўрсатмайди, периферик қон катталиклари, буйрак ва жигарнинг ишлаш функцияси, тўқима ва органлар патоморфологиясига салбий таъсири аниқланмади.

Маълумки, грипп иммунитети паст, сурункали касалликлар билан хасталанганлар, кекса ёшдагилар, ҳомиладор аёллар ва болаларда оғирроқ кечиши мумкин. Шу боис бундай хасталик ўз вақтида аниқланиб даволанса, гриппдан кейинги асоратларнинг олдини олган бўламиз. Грипп эпидемиологияси, клиник хусусиятлари, олдини олиш ва даволашда қўлланиладиган препаратларнинг шифобахшлигини ўрганиш бу борада муҳим омил саналади.

— Мамлакатимизда октябрь ойидан гриппга қарши эмлаш бошланади, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Вирусология институти бош шифокори, тиббиёт фанлари доктори Муҳайё Асилова. — Ҳар йили вакцина хориждан келтирилади ва гриппнинг муайян вирусига қарши тайёрланади. Агар айнан ўша инфекция организмга хавф солса, олинган эмлаш самара беради. Биоорганик кимё институти томонидан тайёрланиб, синов учун клиникамизга юборилган "рутан" дори воситаси эса табиийлиги билан аҳамиятлидир. Тадқиқотлар мазкур препарат ҳеч қандай маҳаллий қўзғатувчи, аллергик ва бошқа таъсирларга эга эмаслигини кўрсатди.

"Рутан" организмдаги вирусга қарши курашиш баробарида, иммунитет таёқчаларига зарар етказмайди, аксинча уни курашувчанликка чорлайди. Агар бемор шамоллаш ёки грипп бўлишини сезаётган бўлса, унинг бир курси касалликни олдини олади ёки енгиллик билан уни тўхтатади. Сўнгги изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, "рутан" интерферон синтезини кучайтиришидан ташқари, яллиғланишга қарши курашиш хусусиятига ҳам эга.

Ҳозирги пайтда олимлар томонидан ушбу дори воситасининг (барча тегишли ҳужжатлар олиниб, сотувга чиқарилган) нафақат грипп, балки бошқа вирус турларига (гепатит, кўз вируслари ва бошқалар) қарши шакллари ўрганилмоқда.

Буюк аждодларимизнинг анъаналарини муносиб давом эттириб келаётган ўзбек олимларининг мазкур кашфиёти таҳсинга сазовор. Бундай изланишлар замирида аҳолини, айниқса, навқирон авлодни жисмонан соғлом, маънан етук инсон қилиб камолга етказиш, жамиятда соғлом турмуш тарзи тамойилларини мустаҳкамлашга ҳисса қўшишдек эзгу ниятлар мужассам.

**Азима ҚИЁСОВА,**
**ЎзА мухбири.**

■ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИ

## ТАҚДИМОТ

*“Киночилар уйи”да “Эъзоз ва эҳтиром кечаси” номли маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унинг доирасида “Ўзбеккино” Миллий агентлиги буюртмасига биноан суратга олинган “Адабиёт сарманзиллари”, “Дониш дарахти” ҳамда “Уста” фильмлари намойиш қилинди.*

# Ибратли ҳаёт лавҳалари

Халқимизда кексалар, хусусан, устоз-мураббийларни эъзозлаш, уларга алоҳида эҳтиром кўрсатиш бардавом анъаналардан ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий йилнинг “Кексаларни эъзозлаш йили” деб номланиши ва шу асосда Давлат дастури қабул қилиниб, унда белгиланган устувор вазифаларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши бундай эзгу фазилатларнинг янада кенг қулоч ёйишига туртки бермоқда.

Гап шундаки, “Адабиёт сарманзиллари” ҳужжатли фильми ўзбек адабиёти ривожига умрини бахшида қилган, кексалик даврида ҳам тиним билмай илмий изланишлар, тадқиқотлар олиб бораётган забардаст навоийшунос олим, академик Азиз Қаюмовнинг ўзига хос ҳаёт ва ижод йўли ҳақида ҳикоя қилади. Фильм қаҳрамонининг миллий ва жаҳон адабиёти тарихида ёрқин из қолдирган улуғ аждодларимиз куллиётини қунт билан ўрганиб, тадқиқ этиши, уларнинг асл гўзаллиги она тилимизда намоён бўлиши йўлида олиб борган ишлари таҳсинга сазовор. Сермазмун ва машаққатли ижод йўлининг ёрқин тасвирларда берилиши ҳар бир томошабинни ўзига ром этади.

“Дониш дарахти” фильм-портретида адабиётшунос олим, филология фанлари доктори Наим Каримовнинг сермаҳсул илмий-ижодий изланишлари суратга олинган. Йигирманчи асрнинг илм-маърифат, адабиёт вакиллари асарларини синчиклаб ўрганиш ёш олимни не бир синовларга дуч қилади, аммо аждодлар руҳига, улар қолдирган маънавий қадриятларга юксак ҳурмат ва садоқат уни эзгу мақсад сари етаклайди. Олим кўплаб замонлар исканжасида ноҳақ қолиб кетган ижодкорлар асарларини маънавиятимиз хазинасига қайтаришга муваффақ бўлади.

Миллий ҳунармандчилигимиз асрлар давомида сайқал топиб келган. Айниқса, мустақиллик йилларида унинг қатор турлари янада равнақ топди. Уста-ҳунармандларимиз сержило ҳунармандчилик маҳсулотларини тайёрлаб, унинг сир-синоатларини ёшларга ҳам ўргатиб келишаяпти. Бу борада таниқли ёғоч ўймакорлиги устаси, Ўзбекистон халқ рассоми, академик Ортиқ Файзуллаевнинг меҳнатини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. “Уста” ҳужжатли фильмида унинг ҳаёти ва ижодий устахонасидаги жараёнлар, мамлакатимиздаги муҳташам бино-иншоотларга зеб бериб турган ганчкор устунлар, эшикларнинг яратилиши ҳақида ҳикоя қилинади.

Тадбир иштирокчилари юртимизда ёши улуғ инсонларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар тўғрисида тўлқинланиб фикр билдиришди. Тақдим этилган фильмлар ана шу саъй-ҳаракатларнинг тотли меваси эканлигини таъкидлашди.

**Дилмурод СОДИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Иқтисодиётнинг муҳим сектори

### ишбилармонларга яратиб берилаётган имтиёз ва кенг имкониятлар асосида жадал ривожланаяпти

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Чунончи, ишбилармонларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя этишда назорат органлари фаолиятини янада кучайтириш, соҳага оид янги қонун нормаларини қўллашда суд ҳокимиятининг ролини ошириш, тадбиркорлик фаолиятига рухсат бериш ва лицензиялашнинг барча тартиб-таомилини соддалаштириш борасидаги вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди. Зеро, 2015 — 2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурини ҳаётга самарали татбиқ этишда давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари зиммасига катта масъулият юклатилган.

— Семинарда қатнашиб, фаолиятимизга доир кўплаб янгиликлардан хабардор бўлдик, — дейди Қарши туманидаги “Нормўмин бобо” фермер хўжалиги раҳбари Панжи Гелдиев. — Айтиш керакки, биз, қишлоқ мулкдорларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини янада кучайтиришга доир янги тартиб-қоидалар ишимизга унум бағишлайди, даромадимизга даромад қўшади. 2002 йилдан буён фермерлик билан шуғулланиб келаман. Яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиш йўлида астойдил меҳнат қиламиз.



Айтиш жоизки, бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасини Қашқадарё вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, ушбу соҳа вакилларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 2000 йилдан буён 25,8 фоиздан 51,5 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 6,8 фоиздан 16,9 фоизга ўсди. Хусусий секторда банд бўлганлар сони 73,2 фоиздан 77,9 фоизга кўпайди. 2008 йилда воҳада 9982 та кичик бизнес субъекти фаолият юритган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ушбу кўрсаткич 16557 тага етди. Сўнгги етти йил мобайнида уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 1 трлн. 712 млрд. сўмлик кредит маблағлари йўналтирилди.

Конференция-семинарда Қашқадарё вилояти ҳокими З. Рўзиев сўзга чиқди.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЭЪЛОНЛАР

## ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

**2016 йил 1-босқич катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига ажратилган квота асосида:**

**17.00.03** — Мусиқа санъати ихтисослиги бўйича 2 ўринга танлов эълон қилади.

2016 йил катта илмий ходимлар-изланувчилар институтини 1-босқичида ўқиш истагини билдирган талабгорларнинг ариза ва ҳужжатлари 2015 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади.

**Талабгорлар илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлимига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:**

- ректор номига ариза;
- маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- магистратура дипломи ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси, Ички ишлар вазирлиги академияси ёки Миллий хавфсизлик хизмати таълим муассасасининг магистратура дипломига тенглаштирилган дипломи ёхуд фан номзоди дипломи ёки магистр даражаси жорий этилгунгача олинган диплом нусхаси;
- тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- илмий журналлар ва нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар рўйхати;
- талабгорнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш юзасидан тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжати нусхаси;
- етакчи олимлардан бирининг илмий консультант сифатида белгилаш юзасидан ёзма розилиги;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этиши керак.

Талабгорлар Ўзбекистон тарихи, фаннинг билиш назарияси ва методологияси ҳамда фалсафа, фан методологияси, чет тили (таълимнинг олдинги даражаларида ўрганилган хорижий тил бўйича) ва мутахассислик бўйича кириш имтиҳонларини топширадилар.

**Манзил: 100027, Тошкент ш., Олмазор к., 1-уй, Илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими. Телефонлар: (0-371) 244-94-50, 244-95-09, девонхона 244-83-81.**

1451А/691

## «VIP REAL ESTATE» МЧЖ

**аукцион савдосига таклиф этади.**

2015 йил 22 октябрь куни соат 12.00 да мулк бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан хатланган қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 12 ноябрдаги УСК-1-431/2012-сонли ижро варақаси ҳамда 2012 йил 4 декабрдаги 12489-сонли ижро ишига асосан, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Чимган» ҚФЙда жойлашган, ер майдони 881,0 кв.м., қурилиш ости майдони 295,5 кв.м.дан иборат бўлган дала-ҳовли.

***Бошланғич баҳоси — 462 136 590 сўм.***

**2.** ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2013 йил 14 майдаги 3020-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Чорбоғ» ҚФЙ, «Чорбоғ гўзал боғи» БУШда жойлашган, фойдаланиш майдони 280,80 кв.м. бўлган дала-ҳовли.

***Бошланғич баҳоси — 1 337 985 361 сўм 8 тийин.***

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман СИБ бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида мулк учун тўловни амалга ошириши лозим. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги маблағни тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчисининг АТБ «InfinBANK»даги МФО: 01041, СТИР: 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, хорижий юридик ва жисмоний шахслар — сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (0-595) 143-0-143. E-mail: info@realtors.uz, www.realtors.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1478R/465

## «NEW ESTATE ACTION» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:**

**1.** Тошкент вилояти Зангиота тумани СИБ томонидан 10163/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Эркин» ҚФЙ, Мирзо Улуғбек кўчасида жойлашган, 1-уй (тураржой).

***Бошланғич баҳоси — 962 661 898 сўм.***

**2.** Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 2013 йил 27 декабрдаги 2-195/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Янги овул» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, қурилиш ости участка майдони 1195,11 кв.м., фойдаланиш майдони 468,26 кв.м. бўлган қўй-қўра бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 172 158 469 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 22 октябрь куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилади:**

**1.** Тошкент вилояти, Янгийўл тумани СИБ томонидан 2014 йил 1 октябрдаги 1-487/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, А. Ортиқов номидаги ҚФЙ, 8/153-уйда жойлашган, умумий майдони 79,43 кв.м. бўлган дала-ҳовли.

***Бошланғич баҳоси — 54 699 520 сўм.***

**2.** Тошкент вилояти Зангиота тумани СИБ томонидан 2014 йил 22 сентябрдаги 10-1420/12855-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Озодбек қўрғони, «Озодбек Ширин» БУУ, Олма боғи кўчаси, 165-уйда жойлашган, фойдаланиш майдони 166,0 кв.м. (0001-литердаги дала-ҳовли, 0002-литердаги ҳовуз, 0003-литердаги ҳовуз, 0004-литердаги шийпон, 0005-литердаги ҳаммом, 0006-литердаги ҳожатхона) бўлган дала-ҳовли.

***Бошланғич баҳоси — 64 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 5 ноябрь куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар соат 10.00 дан соат 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан талабгорлар тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «New estate action» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 302373151.

Хизматлар лицензияланган.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (0-371) 254-69-13.**

1481А/24

*Ҳурматли тадбиркорлар ва азиз ҳамюртлар!*

## «Global savdo fayz Buxara» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Суд департаменти Бухоро шаҳар бўлими томонидан ЖИБ Бухоро вилояти хўжалик судининг 2015 йил 22 июндаги 20-1506/6242-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «PFK Spartak Buxoro» МЧЖга тегишли, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 31-52 ЕЦ бўлган «WIRTGEN W-2200» русумли фреза қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 105 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 30 октябрь куни соат 11.00 да «Global savdo fayz Buxara» МЧЖнинг савдолар залида бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2015 йил 22 октябрдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, унинг такрорий савдоси 2015 йил 13 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситаси билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Global savdo fayz Buxara» МЧЖнинг акциядорлик тижорат Халқ банки Бухоро шаҳар амалиёт бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000405017774001, МФО: 00116, СТИР: 302485226.

**Қўшимча маълумот учун манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 1-қават, 113-хона, «Global savdo fayz Buxara» МЧЖ. Телефон: (0-365) 221-54-43.**

Хизматлар лицензияланган. Гувоҳнома № 000034.

1483А/705

## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

хорижий ва маҳаллий сармоядорлар ҳамда мулкдор бўлиш истагидаги фуқароларни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида ташкил этилаётган оммавий савдоларга таклиф қилади. Сиз савдолардаги мавжуд давлатга тегишли ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектлари, уларга нисбатан ҳуқуқлар бўйича маълумотларни www.1kms.uz сайти орқали олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган.

**Телефонлар: (0-371) 228-84-48, 200-10-01. Факс: (0-371) 228-80-24.**

## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Андижон вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Андижон шаҳар СИБ томонидан Андижон вилояти хўжалик судининг 2013 йил 13 мартдаги 17-1303/10873-сонли ва бошқа ижро варақаларига асосан хатланган, Андижон шаҳри, Бобуршоҳ кўчаси, 24-уйда жойлашган, Машина-трактор парклари бирлашмасига тегишли, қурилиш майдони 1169,02 кв.м., фойдаланиш майдони 2484,4 кв.м.да жойлашган, А-литердаги 3 қаватли маъмурий бино, А-1 литердаги бостирма, В-литердаги Т/П биноси, Д-литердаги ҳожатхона, Д-1-литердаги бостирма, Е-литердаги гараж биноси, К-литердаги қозонхона, а-литердаги сув ҳовузидан иборат бино-иншоотлар такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 811 433 118 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 22 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 20 октябрь куни соат 18.00. Кўчмас мулклар билан тегишли шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Андижон вилояти филиалининг Андижон шаҳар АТ «Савдогар» банкидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609005, МФО: 00081, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 71-уй, 1-қават. Телефон: (0-374) 223-08-53. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1466R/02

## «Universal realtor» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 2012 йил 5 апрелдаги 11338-39/8/25/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сирдарё кўчаси, 45-уйда жойлашган, умумий майдони 330 кв.м., 5 та яшаш хонаси ва 4 та ёрдамчи хонадан иборат бўлган кўчмас мулк такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 184 214 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 21 октябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади. Аризалар юқорида кўрсатилган манзилда иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2015 йил 20 октябрь куни соат 11.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолаганидан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal realtor» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 1049 7522 8001, МФО: 00445, СТИР: 302 269 399. Кўчмас мулк объектлари билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

**Қўшимча маълумот олиш манзили: 100047, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй. Тел.: (0-371) 150-35-55. Факс: (0-371) 236-74-67. www.realtor.uz E-mail: universal.realtor@mail.ru**

«Universal realtor» МЧЖ 2015 йил 8 сентябрь куни Андижон шаҳрида тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан ўтказилган савдода Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкининг шуъба корхонаси бўлган «Qorasuv savdo» МЧЖ балансидаги, Андижон вилояти, Қўрғонтепа тумани, Қорасув шаҳри, Андижон кўчасида жойлашган 50 та савдо дўкони мажмуи 1 698 612 397 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Хизматлар лицензияланган.

1480R/609

## Фаолият кўрсатаётган ҒИШТ ЗАВОДИ СОТИЛАДИ.

Манзил: Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани. Завод газ ва кўмир ёқилғиси ёрдамида ғишт ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Унинг ҳудудида кўмир сақлайдиган омбор, турли хоналар, трансформатор, қудуқ (скважина) мавжуд.
Шунингдек, корхона тасарруфида бульдозер, юкорттич (погрузчик) ҳам бор.
Завод видеокузатув тизимига эга. Умумий майдони — 15 гектар.

**Тел.: (+99897) 705-98-00, (+99893) 388-88-40.**

873А/32

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ жамоаси акциядорлар билан корпоратив муносабатлар ва қимматли қоғозлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Чори Холмуратовга фарзанди **Ойбек НОРБОЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

# Дунё полвонлари Тошкентда беллашмоқда

## Шу кунларда пойтахтимиз дзюдо бўйича Гран-при туркумига кирувчи нуфузли халқаро турнирга мезбонлик қилаяпти.

*Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) шафелигида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси ҳамда мамлакатимиз Дзюдо федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур мусобақада 52 давлатнинг 355 нафар спортчиси совринли ўринлар ва 2016 йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтадиган XXXI Олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи рейтинг очколари учун ўзаро баҳс олиб бормоқда.*

**ДЗЮДО**

1 октябрь куни "Ўзбекистон" спорт мажмуасида мазкур нуфузли беллашувнинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Байрамона безатилган спорт майдонига чорлов садолари остида 52 мамлакат терма жамоалари кириб келади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, Ватанимиз шаънини янада юксалтиришнинг муҳим омили бўлган спортни ривожлантириш умуммиллий ҳаракатга айланганини алоҳида таъкидлашди.

Айтиш жоизки, дзюдо бўйича Гран-при туркумига кирувчи турнир ҳар йили ўнта давлатда ўтказилади. Халқаро дзюдо федерацияси мамлакатимизда ушбу яккакураш турини ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор, ўзбек мактаби нуфузи ҳамда спортчиларимизнинг халқаро майдонда эришаётган юқори натижаларини инобатга олиб, 2013 — 2016 йиллардаги Гран-при мусобақасига мезбонлик қилиш ҳуқуқини Тошкент шаҳрига берганди. 2013 ва 2014 йилларда ушбу турнир юқори савияда уюштирилгани мухлису мутахассислар томонидан эътироф этилди.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида ўзбекистонлик дзюдо усталари Олимпиада ва Осиё ўйинлари, қитъа ҳамда жаҳон чемпионатлари ва халқаро мусобақаларда мунтазам юқори натижаларга эришиб келмоқда. Масалан, 2012 йили Лондонда бўлиб ўтган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида ҳамюртимиз Ришод Собиров бронза, XIV Паралимпия ўйинларида Шариф Халилов кумуш медални қўлга киритди. Ўтган йили Хитойнинг Нанкин шаҳрида ташкил қилинган II ўсмирлар Олимпиадасида ёш полвонимиз Суҳроб Турсунов бронза ва олтин медалларга сазовор бўлиб, Ўзбекистон фарзандлари ҳеч кимдан кам эмаслигини яна бир бор амалда намоён этди.



2014 йили Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида бўлиб ўтган XVII Осиё ўйинларида эса тажрибали полвонларимиз Дилшод Чориев кумуш, Мирзоҳид Фармонов, Рамзиддин Саидов ва Абдулла Тангриев бронза медалга сазовор бўлди. Жамоавий беллашувларда Ўзбекистон терма жамоаси кучли учликдан жой эгаллади.

Вакилларимизнинг ана шундай ютуқларида давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги "Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Терма жамоамиз аъзолари ўтган йилларда пойтахтимиз мезбонлик қилган Гран-при турнирларида ҳам муносиб иштирок этишган. Хусусан, 2013 йилги мусобақада вакилларимиз бешта олтин, учта кумуш ва бешта бронза медаль жамғариб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаган. Ўтган йилги Гран-прида эса полвонларимиз битта олтин, иккита кумуш ва учта бронза медалига сазовор бўлишган эди. Бу йилги мусобақада Ватанимиз шарафини жами 42 нафар ҳамюртимиз (28 нафар эркак, 14 нафар хотин-қиз) ҳимоя қилмоқда.

Мусобақанинг дастлабки кунида вазни 60 килограммгача бўлган дзюдочилар беллашувида куч синашган полвонларимиздан Шарофиддин Лутфуллаев кумуш, Диёрбек Ўрозбоев бронза медаль билан тақдирланди.

Кеча Гран-прида вазни 73 килограммгача бўлган полвонлар ўртасида ғолиб ва совриндорлар аниқланди. Эътиборли жиҳати, ушбу вазн тоифасида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Мирали Шарипов олтин, Ғиёсжон Бобоев эса бронза медалга сазовор бўлди.

**Фазлиддин АБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

*Миллий матбуот марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан "Ўзбекистон урологияси: ушбу йўналишда белгиланган устувор вазифалар ва бу борада эришилаётган натижалар" мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.*

**АНЖУМАН**

# Тиббиёт: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР, САЛМОҚЛИ НАТИЖАЛАР

Тадбирда сўзга чиққанлар тизимда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар туфайли юртимизда энг илғор даволаш-ташхис ускуналари билан жиҳозланган шифо масканлари барпо этилиб, кадрлар салоҳияти ошаётганини алоҳида таъкидладилар. Айниқса, жойлардаги скрининг марказлари, туғуруқ мажмуалари, вилоятлар кўп тармоқли шифохоналари, ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари халқимизнинг соғлом ҳаёт кечиришини таъминлашга хизмат қилаётир.

Республика ихтисослаштирилган урология маркази ҳам ана шундай тиббиёт муассасаларидан бири ҳисобланади. Бу ерда йилига 30 минг нафарга яқин беморга малакали тиббий хизмат кўрсатилиб, 8,5 мингдан зиёд мураккаб ва тиғсиз жарроҳлик амалиётлари ўтказилмоқда. Қолаверса, ўнта йўналишда хизмат кўрсатувчи махсус тиббий хоналардан иборат маслаҳат-диагностика поликлиникаси, 100 ўринли стационар бўлим, дорихона, лаборатория, рентген, радиология, эндоскопия хоналари мавжуд. Марказда компьютер тармоғи орқали иш юритиш тизими жорий этилган бўлиб, ягона тизим ёрдамида беморларнинг "касаллик тарихи" электрон шаклда юритилади ҳамда электрон архивда сақланади.

Шунингдек, марказда "Siemens", "Dantek", "K. Storz", "Wolf" каби машҳур компанияларнинг энг сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналари ва жиҳозларидан кенг фойдаланилмоқда. Бугунги кунда хасталикка чалинганларнинг аксарияти замонавий асосда, яъни эндоскопик усулда даволанаяпти. Шу боис ҳозир юртимиз урология йўналишида энг мураккаб касалликларни ҳам самарали даволай олиш имкониятига эга давлатлар қаторидан ўрин эгаллади. Бу эса илғор тиббиёт технологиялари жорий қилинган мамлакатларда эришилган кўрсаткичларга тенг.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА.**

**ТУҲФА**

# Спортсевар ёшларга қулайлик

*Қуйи Чирчиқ туманининг Мингчинор маҳалласида 6 та ҳаваскор футбол жамоаси бор. Қолаверса, ҳудудда ўқувчилар енгил атлетика, стол тенниси, бокс, каратэ каби спорт турлари билан мунтазам шуғулланишади.*

Яқинда ушбу маҳалла ёшларига атаб "Баҳодир келажак бизнес" хусусий корхонаси томонидан замонавий мини-футбол майдони барпо этилди. Илгари қаровсиз бўлган жойда сунъий қопламали, кучли ёритиш тизимларига эга иншоотни қуриш ва атрофини ободонлаштириш учун 300 миллион сўм сарфланди.

Ҳадемай, бу ерда спортнинг 10 га яқин тури билан шуғулланиш имконини берувчи яхлит мажмуа юзага келади. Бунинг учун айни пайтда стол тенниси, волейбол, баскетбол ҳамда кичкинтойларга мўлжалланган ўйин майдончалари қурилиши жадал давом эттирилмоқда.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

ЭЪЛОНЛАР


*Фирма ва компаниялар раҳбарлари диққатига!*

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Моддий-техника таъминоти бошқармаси**

**тендер савдоларини эълон қилади.**

Тендер савдоларида чет эл фирма ва ташкилотлари, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (етказиб берувчилар), тендер асосида харид қилинадиган маҳсулотларни етказиб бериш малакасига эга бўлган кичик бизнес субъектлари, шунингдек, таклиф этилаётган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар ва/ёки уларнинг авторизациясига эга етказиб берувчилар иштирок этишлари мумкин.

1. Тендер комиссияси ишчи органи номи — Ўзбекистон Республикаси ИИВ Моддий-техника таъминоти бошқармаси.
   Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-тор кўчаси, 1-уй. Телефонлар: (+99871) 252-30-36, 255-78-24. Факс: (+99871) 281-43-73 (74). E-mail: umts@mvd.uz
2. Тендер савдоси предмети:
   - 57-сонли тендер «Мослашувчан мультиплексорлаш рақамли тизими ва ИИВ тизимида шиша толали линиялар орқали электрон ҳужжат айланиш тизимини яратиш учун оптик мультиплексорлашнинг якуний ускуналарини етказиб бериш»;
   - 137-сонли тендер «Сервер ва компьютер техникаларини етказиб бериш»;
   - 138-сонли тендер «Ҳарбий оркестр учун дамли, торли, уриб чалинадиган мусиқа асбобларини етказиб бериш».
3. Етказиб бериш шарти, муддати ва тўлов шарти юзасидан маълумотлар тендер ҳужжатларида кўрсатилган.
4. Тендер бошлангунгача тендер комиссияси томонидан тендер иштирокчиларининг малакавий танлови ўтказилади.
5. Тендер ҳужжатлари қиймати, тендер таклифларининг кафолатлаш суммаси ва уни тўлаш тартиби, тендер ҳужжатлари тўлови учун банк реквизитлари юзасидан маълумотлар тендер ҳужжатларида кўрсатилган.
6. Тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 5 ноябрь куни соат 18.00.
7. Тендер савдолари ўтказилиши шартлари бўйича қўшимча маълумотлар олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзил ва телефонлар орқали мурожаат этиш мумкин.

1479А/718



**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги**

**ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ**

**2016 йил учун катта илмий ходимлар-изланувчилар институти ва мустақил изланувчиликка қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади:**

**Катта илмий ходим-изланувчи лавозими учун:**

**07.00.04** — Диншунослик.
**07.00.05** — Ислом тарихи ва манбашунослик.

Керакли ҳужжатлар: ректор номига ариза, маълумотнома, меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибдаги нусхаси, олий таълим ёки фан номзоди тўғрисидаги диплом нусхаси, тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси, илмий журналлар ва нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар (камида 3 та), илмий ва илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатлари тўпламларига фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқотининг асосини ташкил этиши мумкин бўлган тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларига киритилган тезислар (камида 2 та) рўйхати, уларнинг нусхалари, фан номзоди бўлмаганлар учун илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш юзасидан ўтказилган тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси, фан номзоди бўлганлар учун номзодлик диссертацияси автореферати, етакчи олимлардан бирининг илмий маслаҳатчилик қилиш учун розилик хати, паспорт ва нусхаси, тураржойдан маълумотнома, 3х4 см. ҳажмда 4 дона фотосурат, конверт, тезтиккич.

**Шунингдек, Тошкент ислом университети 2016 йилда мустақил изланувчилик тартибида илмий тадқиқот фаолияти юритиш учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади:**

**07.00.04** — Диншунослик.
**07.00.05** — Ислом тарихи ва манбашунослик.

Керакли ҳужжатлар: ректор номига ариза, иш жойидан тавсифнома, маълумотнома, олий таълим ёки фан номзоди тўғрисидаги диплом нусхаси, меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибдаги нусхаси, фан номзоди бўлмаганлар учун илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш юзасидан тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси, илмий ишлар ва илмий ҳисоботлар (патентлар) рўйхати ва уларнинг нусхалари, паспорт нусхаси, 3х4 см. ҳажмда 4 дона фотосурат, конверт, тезтиккич.

**Ҳужжатлар 2015 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади.**

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй, А-бино, 2-қават, 212-хона. Телефонлар: (0-371) 244-00-91, 244-00-56.**

1452/696



**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**2016 йил учун катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади:**

01.01.02 - Дифференциал тенгламалар ва математик физика — 2 ўрин
01.04.10 - Яримўтказгичлар физикаси — 1 ўрин
02.00.13 - Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси — 1 ўрин
02.00.15 - Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси — 1 ўрин
06.01.08 - Ўсимликшунослик — 1 ўрин
07.00.01 - Ўзбекистон тарихи — 1 ўрин
07.00.06 - Этнография, этнология ва антропология — 1 ўрин
09.00.04 - Ижтимоий фалсафа — 1 ўрин
10.00.01 - Ўзбек тили. Ўзбек адабиёти — 1 ўрин
13.00.02 - Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (соҳалар бўйича) — 1 ўрин

**Катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

— ариза;
— маълумотнома;
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
— олий таълим муассасаси магистратура дипломи ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси, Ички ишлар вазирлиги академияси ёки Миллий хавфсизлик хизмати таълим муассасасининг магистратура дипломига тенглаштирилган дипломи ёхуд фан номзоди дипломи ёки магистр даражаси жорий этилгунгача олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;
— тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
— илмий журналлар ва нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар (камида учта), илмий ва илмий-амалий конференция, семинарлар ҳамда давра суҳбатлари тўпламларига фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқотининг асосини ташкил этиши мумкин бўлган тегишли илмий йўналишлар бўйича бошқа илмий ишлар тўпламларига киритилган тезислар (камида иккита) рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари;
— талабгорнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш юзасидан тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжатларининг нусхаси;
— етакчи олимлардан бирининг уни илмий консультант сифатида белгилаш юзасидан ёзма розилиги;
— Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этишади.

**Ҳужжатлар 2015 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади.**

**Манзил: Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси, 14-уй.**
**Маълумот учун телефон: (+99891) 916-45-62.**

1407А/981



**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ**

**қуйидаги кафедралар бўйича лавозимларга танлов эълон қилади:**

**Кафедра мудири:**
Анъанавий ижрочилик, Мусиқа тарихи ва танқид, Хор дирижёрлиги, Оркестр чолғулари, Эстрада чолғу ижрочилиги, Мусиқий педагогика.

**Профессор:**
Ижтимоий-гуманитар фанлар — 1

**Доцент:**
Халқ чолғуларида ижрочилик — 1

**Катта ўқитувчи:**
Анъанавий ижрочилик — 1, Мусиқий овоз режиссёрлиги ва информатика — 1, Хор дирижёрлиги — 1, Оркестр чолғулари — 1.

**Ўқитувчи:**
Халқ чолғуларида ижрочилик — 1, Мусиқий шарқшунослик — 1, Ижтимоий-гуманитар фанлар — 1, Ўзбек ва хорижий тиллар — 1, Хор дирижёрлиги — 1, Махсус фортепиано — 1, Умумий фортепиано — 1, Эстрада хонандалиги — 1.

**Танловда иштирок этиш истагидагилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:**

- ректор номига ариза;
- ходимлар шахсий варақаси;
- олий маълумоти, илмий даражаси ва илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари;
- меҳнат дафтарчасидан кўчирма;
- ўқув-услубий, илмий тадқиқот ва илмий-ижодий ишлари рўйхати;
- охирги уч ўқув йилида малака оширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва сертификатлар нусхаси.

**Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида Ўзбекистон давлат консерваторияси ходимлар бўлими томонидан қабул қилинади.**

**Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 1-уй, ходимлар бўлими. Телефон: (0-371) 244-94-51.**

1432А/665



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1067. 73 448 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.25 Топширилди — 20.55 1 2 3 4 5